



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 5 июнь, № 113 (9008)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖАҲОН БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ



Иқтисодиёт

● Навоий вилоятида бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони қарийб 4 баробар ошиб, 240 тага етди.

● Ўтган йили Арманистон, Мексика, Словакия, Чили, Швейцария ва Эквадор бозорлари ўзлаштирилиб, қўшимча 4,4 млн. долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди. Шунингдек, экспорт географиясидаги давлатлар сони 35 тага етказилди.

● Бу йил вилоятда экспорт ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан 127 фоизга ошириш режалаштирилган.

Иқтисодий барқарорликда “япон мўъжизаси” ҳамон кўпчилик эътиборида. Чиндан-да, Иккинчи жаҳон урушида хонавайрон бўлган, табиий қазилма бойликлари эса йўқ ҳисоби Кунчиқар юртининг қисқа фурсатларда дунёнинг энг ривожланган етти мамлакатаи қаторидан ўрин олиши, ҳеч муболағасиз, чинакам мўъжиза.

Япония 2008 йилда бошланган глобал иқтисодий инқирозда энг кам зарар кўрган мамлакатлардан бири сифатида қайд этилади. Ўша кезлар мазкур инқироз бизга ўз таъсирини ўтказмаганлиги кўп тилга олинади. Мамлакатимиз иқтисодиёти глобал иқтисодиётга унчалик боғланмаганлиги сабаб унинг таъсири сезилмаганлиги табиий ҳол, албатта. Биргина Навоий вилоятини олсак, 2018 йилнинг 1 январига қадар хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 62 тани ташкил этиб,

худуднинг мамлакат экспортидаги улаши бор-йўғи уч фоиз атрофида эди. — Бугунги кунда уларнинг сони қарийб 4 баробарга ошиб, 240 тага етди, — дейди Навоий вилояти Савдо-саноат палатаси раҳбари Дилшод Шакаров. — Ўтган даврда кичик бизнес субъектлари сони 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар ошганини тadbirkorлик субъектларининг 68 фоизи охириги уч йилда ташкил этилганида ҳам аққол кузатиш мумкин. Хизматлар соҳасида сўнгги беш йилда 11 930 та янги тармоқлар кенгайиб, улар томонидан 100 дан ортиқ хизмат турлари кўрсатилиши йўлга қўйилди.

“Иш бошқа, хавас бошқа” деб, бежиз айтишмайди. Муқояса қилсак, мамлакатда кичик бизнес ва тadbirkorлик фаолиятининг кўллаб-қувватланиши, инвестициявий жозибадорликка эътибор, ички имкониятларнинг ишга соли-

ниши ҳар бир ҳудудда маҳаллийлаштириш экспорт салоҳиятининг ошишига туртки бермоқда. Барча ҳудудда тармоқлараро, жумладан, йирик корхоналар ҳамда кичик бизнес ва тadbirkorлик субъектлари ўртасида саноат кооперациясининг кенгайиши маҳаллий хомашё ресурслари негизидан импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар тайёрладиган корхоналар барпо этилмоқда. Хусусан, Навоий шаҳрида “Навоий евро рубероид” масъулияти чекланган жамиятида 3 та “МНЖ-5-1”, “Л-68” латун қувири ва “М3” мис қувири, “Triumf gotnyak” МЧЖда ўтга чидамли вермику-

лит панеллари, “Навоий картон қоғоз” МЧЖда гофра картон, Кармана туманидаги “Кармана гол майн” МЧЖда ҳаво филтрлари, “Karmana Al-Aziz Avitsenna” МЧЖ ва “Grand Farm Avitsenna” МЧЖда доривор ўсимликларни қадоқлаш, Конимех туманидаги “Riverstone powders” МЧЖда асфальт-бетон қоршмалари учун минерал кукун ва Қизилтепа туманидаги “Навоий эсперанто” МЧЖда “П1Т1” русумли фаоллаштирилган бентонит кукунни тайёрлаш, Хатирчи туманидаги “Голд Синтез Пласт” МЧЖда ПВА клей маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.



Сенаторлар — ҳудудларда

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУТАСАДДИЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Айни кунларда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятида бўлиб, ушбу ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишлар билан яқиндан танишмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида Кони-мех туманида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг сайёр мажлисини ўтказди.

Мажлис қатнашчилари вилоятда коррупция ва жиноятчиликка қарши самарали курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг муҳокама қилиб, соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлларини таҳлил этди.

Қайд этилганидек, айрим ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бораётгани аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар етишмаслиги каби масалаларга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Шу муносабат билан ушбу муаммоларни ҳал этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жойлардаги ҳокимият идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Жиноятчилик ҳолати бўйича таҳлилларга кўра вилоятда 2024 йилда жами 4 120 та жиноят содир этилган. Жиноятларнинг 31,3 фоизи (1 289 та) олдини олиш мумкин бўлган, 25 фоизи (1 021 та) аниқлана-

диган ва 44 фоизи (1 810 та) ахборот технологиялари билан боғлиқ.

2024 йилда коррупциявий жиноятлар соғлиқни сақлаш тизимида (4 та ўзлаштириш ва 3 та фирибгарлик) ва банк тизимида (11 та ўзлаштириш) қайд этилган.

Жойларда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, коррупциявий хавф омилларини бартараф этиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш, профилактик тадбирларни изчил амалга ошириш ва ҳудудларда хавфсизлиқни таъминлашга доир бир қатор чора-тадбирлар белгиланган олинган ва шу асосда ишлар йўлга қўйилган.

Ийгилишда шаффофликни таъминлаш, аҳоли муаммоларини ҳал этишга қаратилган янги ёндашувларни жорий этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш каби масалалар бўйича тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Тadbirkor яқунида давлат органлари ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш, фуқароларнинг давлат идораларига ишончини мустаҳкамлаш, одамларни рози қилишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган олинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

АДОЛАТ – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, сифатли таълим, малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш учун зарур шароитлар яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ўтган даврда соҳага доир қатор қонунлар, Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ижтимоий ҳимоянинг инсон қадрини таъминлашга том маънода хизмат қиладиган янги миллий тизимга асос солинди. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағлар ҳажми

ҳам сезиларли даражада ошди.

Янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон — ижтимоий давлат экани белгиланган бўлиб, қонунда белгиланган янги миллий тизимга асос солинди. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағлар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.

Янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон — ижтимоий давлат экани белгиланган бўлиб, қонунда белгиланган янги миллий тизимга асос солинди. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағлар ҳажми

харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги акс этди.

Давлатимиз раҳбарининг “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги халқимизга хос азалий қадриятларнинг яна бир бор жонланишига туртки бўлди.



«ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНиятлар КўПАЙМОҚДА»

Мева, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга чиқариш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

Юртимизда пишиқчилик мавсуми бошланди. Боғларимиз болга тўлиб етилаётган сархил мевалар, полизларимизда бири-биридан ширин, тилими тилни ёрадиган қовун ва тарвузлар бозор расталарини беэмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли эҳтиёжидан ортган маҳсулотлар турли давлатларга экспортга

чиқарилмоқда. Мева ва полиз маҳсулотлари экспорти ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётган бўлса-да, айни пишиқчилик вақти ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи жиддий тус олаётган бир пайтда меваларимиз оёқости бўлаётган

ни ёки хорижга юборилаётган меваларнинг сифати йўқолаётгани ачинарлидир. Бу хусусда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги марказий экспорт штаби раҳбари Хусниддин ИСМОИЛОВнинг фикрлари билан қизиқдик.



5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ТАБИАТНИ КЕЛГУСИ АВЛОДГА БЕЗАВОЛ ЕТКАЗАЙЛИК

Инсон саломатлиги, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг соф ва бегуборлиги билан боғлиқ. Аммо бугун экологияга жиддий пугур етаётгани, тирик жонотларнинг ҳаёти хавф остида қолаётгани дунё жамоатчилиги ва халқаро ташкилотларда катта хавотир уйғотмоқда. Афсуски, инсоният бу хавф-хатар оқибатларини тўлиқ тушуниб етгани йўқ. Ҳалиям баъзи кимсалар даромад топиш илинжида ноёб жониворларни овлаш, дарактларни аёвсиз кешиш, ҳавони, сувни саноат чиқиндилари билан ифлослантиришдан тўхтамайпти.

Баъзан бундай иллатларни кўриб, кўрмасликка олинаётгани натижасида муаммо янада авж олмоқда. Ваҳоланки, атроф-муҳит ҳимояси фақат экологларнинг эмас, балки барчамизнинг асосий вазифамизга айланиши лозим. Чунки ҳавонинг, сувнинг, ернинг ва табиатнинг ифлосланиши келажак авлод тақдирини ҳам сўроқ остига солиб қўяди.

Айтиш жоизки, Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни БМТ Бош Ассамблеясининг 1972 йил 15 декабрда ўтказилган 27-сессиясида таъсис этилган. Анжуманда янги ташкилий тузилма — Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича БМТ дастури — ЮНЕПга асос солинган. Шундан бери ЮНЕП раҳбарлигида ҳар йили жаҳонда мазкур сана кенг нишонланиб келинади. Швеция пойтахти Стокгольмда эса БМТнинг Атроф-муҳит масала-

ларига бағишлаб ўтказилган конференциясида муаммонинг кескинлигини, аҳоли орасида экологик онгини оширишнинг, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига эътибор қаратишнинг зарурлиги ҳисобга олинди, 5 июни Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонлашга қарор қилинган.

Стокгольм конференцияси якунлари юзасидан қабул қилинган резолюцияга мувофиқ таъсис этилган бу сана Ер юзидан истиқомат қилувчи барча инсонларни табиат муҳофазаси билан боғлиқ фаолиятга жалб этиш, кенг жамоатчилик онгу тафаккурида табиий ресурсларни асраш, улардан оқилона фойдаланиш орқали табиий бойликларни келгуси авлодларга безавол етказиш масъулиятини англатишга қаратилган.



ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Сайёрамизда экологик хавф-хатарлар глобал кўриниш касб этиб бунга, биринчи навбатда, антропоген омиллар сабаб бўлаётгани бутун дунёда аҳолининг экологик билим ва маданиятини оширишни давр талабига айлантирди. Инсон ҳаёти табиат билан узвий боғлиқ бўлиб, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, биохилмаҳилликни асраш, экологик муаммоларни ҳал этиш каби долзарб вазифалар турибди.

Нуктаи назар

Зеро, экологик таҳдидлар чегара билмайди, минтақа танламайди, бутун инсониятга бирдек хавф солади. Шу боис уларга қарши самарали курашиш нафақат ҳозирги, балки келажак авлодлар тақдирини ҳам ҳаётини зарурат, десак, муболаға бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан глобал экологик муаммоларни бартараф этиш, табиий мувозанатни сақлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида илгари сурилган ташаббуслар халқаро миқёсда кўллаб-қувватланаётгани, юртимизда 2025 йил — “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинган бу борадаги эзгу ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалти-

риш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштиришда муҳим асос бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аждоқларимиз қадим-қадимдан она табиятга эҳтиёткорона муносабатда бўлгани урф-одат ва маросимларимизда, қадриятларимизда ўз аксини топган. Шарқда она заминга тўйдирувчи, кийинтирувчи, боқувчи сифатида қаралиб, сувни ифлослантиришга, чиқиндиларни дуч келган жойга ташлашга, наботот ва жонотларга озор етказишга йўл қўйилмаган. Дарахт экиш, боғ яратиш анъанаси авлоддан-авлодга ўтиб келган. “Уммон олдида турсанг ҳам, бир томчи сувни исроф қилма!” деб бежиз айтилмаган. Бу ибора замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.



ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва рақобатнинг тобора кучайиб бориши шароитида миллий парламент фаолиятини рақамлаштириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Шу маънода, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш алоҳида мақсад сифатида белгиланган.

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси

2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари сифатида парламент ва унинг органлари иш жараёнларини рақамли трансформация қилиш, жумладан, улар қабул қилган қарорларни эълон қилиш жараёни, жумладан, 100 фоиз рақамлаштириш, сайловчилар билан электрон мулоқот, депутат сўровини электрон тарзда юбориш ва назорат имкониятини таъминлаш ҳамда қонунчиликка оид тақлифларни киритиш ва қўриб чиқиш тартибини жорий этиш белгиланган.

Мамлакатимизда рақамли технологиялар асосида давлат бошқарувини такомиллаштириш, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш рақамли парламент ти-

зимининг қанчалик тез ва самарали жорий қилинишига беvosита боғлиқ. Ахборот қиймати шиддат билан ўсиб, жамиятимиз туб ўзгаришларни кечираётган бир пайтда рақамли технологияларнинг жорий қилиниши барча жараённи, жумладан, бошқарувни ривожлантириш имконини беради.

Бунда мазкур жараён кенг қўлланилаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Шу мақсадда ўтган ойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Девони ходимлари Корея Республикасида бўлишди. КОИКА томонидан парламент фаолияти очиклигини ошириш лойиҳаси доирасидаги таширфдан мақсад — қонун ижодкорлиги, парламент фаолиятини тўғридан-тўғри

ёритиш, очикликни таъминлаш ва бошқа йўналишлар бўйича Жанубий Кореянинг илғор тажрибасини ўрганиш эди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси сиёсий семинар хоналари ва матбуот анжуманлари ўтказиладиган студиялар депутатларнинг тарғибот-ташвиқот ишларини ёритишга хизмат қилиши ва унда депутатлар тарғибот материалларини тайёрлаши ва бу жараёнлар махсус платформалар орқали қайд қилиб борилиши билан эътиборга молик.

Ушбу мамлакат Миллий Ассамблеяси фаолияти мисолида айтсак, парламент фаолиятининг рақамлаштирилиши ҳар бир депутат ва тизим ходимларининг рақамли қўникмаларини оширишни талаб қилади. Айни пайтда мамлакатимизда ҳам рақамли воситалар, техник янгилıklarга оид билим ва қўникмаларни ошириш, янги технологиялар билан ишлаш қобилиятини мувофиқлаштириш учун етарли имконият мавжуд.

Айтиш жоизки, қўпчилик илғор мамлакатларда рақамли тараққиёт стратегиясини назарда тутиви комплекс дастурлар ишлаб чиқилган ва улар ҳаётга жорий қилинмоқда.

Мамлакатимизда ҳам “электрон ҳукумат” тизимини татбиқ этиш юзасидан қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2015 йилда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши электрон ҳукумат жорий қилинишининг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Аммо Президентимиз таъкидлаганидек, “Аксариёт вазирилик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. “Электрон ҳукумат” тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта қўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур”лиги бу соҳада ҳали ечимини қутаётган ва бажарилиши лозим бўлган ишлар қўламининг қўпчилигини тасдиқлайди.

Фикримизча, “электрон ҳукумат” тизимини шакллантиришда бошқарув борасидаги ишларни мувофиқлаштириш учун рақамли ҳукумат инфратузилмасини ривожлантириш, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан электрон ҳукуматнинг ташкилий-технологик воситаларини рақамли шаклга трансформация

қилишни кенгайтириш ва парламент бошқарувини рақамлаштириш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва услубий тавсияларни тайёрлаш каби қатор вазифаларни бажариш лозим.

Шунингдек, тегишли ахборот ресурсларини яратиш ва жойлаштириш йўли билан республика аҳолиси ҳамда халқаро жамоатчилиқнинг ҳукуматимиз фаолияти тўғрисида, республиканинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотлардан хабардорлигини кенгайтириш ҳам муҳим масалалардан биридир.

Хулоса ўрнида айтсак, маълумотлар очиклиги орқали шаффоқлиқни ошириш, қарорлар қабул қилишда омма иштирокини янада кенгайтириш, давлат идораларининг халқ олдидаги масъулиятини юксалтириш баробарида ахборот хавфсизлиги ва маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш жамиятининг фаровонлиқ, мамлакатни тараққиёт сари етаклайди.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

Қўмиталар ҳафта ичида



ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан “Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқшунослар, экспертлар иштирокида ўтган йиғилишда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича депутатлар томонидан берилган барча тақлиф чуқур таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, иккинчи ўқишга тайёрланаётган қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексига тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича суд томонидан қўриб чиқиладиган ишларда мажбурий тартибда прокурорнинг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, тазийқ ва зўравонликдан жабрланган, бирламчи кўмак хоналарига ёки Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш худудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар учун банк картасини тиклаш содда-лаштириляпти.

Йиғилишда қонун лойиҳасидаги нормалар атрофлича муҳокама этилиб, депутатлар берган тақлифлар асосида маромига етказилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

ЯШИЛЛИККА БУРКАНСИН ОЛАМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан давра суҳбати ўтказилди.

Тошкент давлат транспорт университетиде ўтказилган мазкур тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Экологик партияси, соҳада фаолият юритаётган турли давлат ва нодавлат муассасалари ходимлари, талабалар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, 1972 йил 5 июнь куни Стокгольм шаҳрида БМТнинг атроф-муҳитга бағишланган конференциясида Бутунжаҳон атроф-муҳит кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарордан қўзланган мақсад халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига ҳамда глобал экологик инқирознинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратишдан иборат.

Шунинг учун дунёнинг қатор мамлакатларида ушбу сана муносабати билан турли тадбирлар, қўрик-танловлар, атроф-муҳитни тозалашга қаратилган экологик акциялар ўтказилади.

Бугунги глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари даврида мамлакатимизда ҳам экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, ўтган даврда соҳага оид муҳим қонунлар қабул қилинди. Қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси қабул қилиниб, унинг доирасида тизимли равишда тегишли “йўл хариталари” ва давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам атроф-муҳитга бўлган муносабатларнинг тартибга солишининг фундаментал негизи мустақамлаб қўйилди. Яъни ҳар қим қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга экани, давлат фуқароларининг

экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши белгиланди. Ушбу демократик нормалар бугунги кунда мамлакатда экологик бошқарув тизимига жамоатчилик экологик назорати институтини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси, том маънода, миллий қадрият ва аънаёга айлиб бормоқда. Лойиҳа доирасида йилига 200 млн. туп дархат қўчатлари экилиши юртимизда “яшил майдон”ларнинг умумий майдонини 30 фоизга етказиш имкониятини беради.

Давра суҳбати иштирокчилари бугунги кунда иқлимнинг кескин ўзгариши, чўлланиш, қиқиндиларнинг тобора ортиб бориши, атмосфера ҳавосининг зарарланиши, сув ресурслари манбаларининг ифлосланиши ҳамда танқислиги, ўрмонлар ва биохилмаҳилликнинг қисқариши инсоният учун нихоятда долзарб глобал экологик муаммоларга айланиб бораётганини таъкидлаб, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш, экологик муаммоларни юмшатиш бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Сўзга чиққанлар Президентимизнинг “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти, унинг аҳамияти ҳақида ҳам батафсил тушунтиришлар бериб ўтди.

Қунида билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ



Дарвоқе, чикинди масаласида сўз юритганда, ота-боларимиз тозалик-озодаликка қатъий риоя қилиб келгани, чикиндини махсус ўраларга ташлагани, ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила саранжом-сарихталикда ибрат бўлишга интилгани ҳақида гапиришни хуш қўраимиз. Хўш, ҳозирги кунда бунга қай даражада амал қилияптиз? Афсуски, санитар тозалаш соҳаси ходимлари томонидан кўрсатилган хизмат учун тўловни тўлашдан бош тортиш ёки кечиктириш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ҳисоб-китобларга кўра инсониятнинг кундалик фаолияти тўғрисида ҳар йили 2,24 млрд. тонна қаттиқ маъийш чикиндилар ҳосил бўлади, улардан фақат 55 фоизи махсус корхоналарда утилизация қилинади. 2050 йилга бориб, ушбу кўрсаткич йилга 3,88 млрд. тоннагача ортиши мумкин. Айни пайтда чикиндилар сектори иқлим ўзгариши, биохилмаҳиллик ва табиат ресурслари йўқолиши ҳамда атроф-муҳит ифлосланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили тахминан 931 млн. тонна озик-овқат махсусотларлари истеъмолга яроқсиз ҳолатга келади ёки ташлаб юборилади, сув экотизимларида эса 14 млн. тоннагача пластик чикиндилар ташланади.

Шу нуқтага назардан айтганда, экологик таълим ва тарбиянинг пировард мақсади — экологик онгни шакллантиришдан иборат. Ёш авлодга табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлашга ўргатиш, экологик қўникмаларни ёшлигидан сингдириб бориш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ, 2030 йилда 3,3 млн. нафар мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида экологик маданиятнинг шаклланиши, 4,2 млн. нафар умумий ўрта таълим тизими ташкилотлари ўқувчиларида экологик таълим-тарбия-

нинг мустаҳкамланиши, экологик маданиятнинг юксалиши каби кўрсаткичларга эришиш белгиланди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Экологик партиясининг фуқаролар экологик билимларини оширишга қаратилган ташаббуслари қўлаб-қувватлангани эътиборга молик. Партиямиз дастурига кўра, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ўзига хос ўлчови бўлиши экологик маданиятни халқимизнинг қалб амрига ва бунга жамиятда катта қучга, умуммиллий ҳаракатга айлантириш “яшил” тараққиётга, соғлом турмуш тарзига эришишнинг асосини ташкил этади.

Қарор билан 2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси тасдиқланди.

Концепция 2027 йилдан бошлаб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар 2 йил муддатга тасдиқланадиган алоҳида “Йўл харитаси” асосида босқичма-босқич амалга оширилади. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг экологик билимини кучайтиришга қаратилган бепул ўқув курслари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги конвенцияга (Орхус конвенцияси, Орхус шаҳри, Дания, 1998 йил 25 июнь) қўшилганлиги муносабати билан 2025 йил 1 декабрдан бошлаб Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилик атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингинг тизими маълумотлари базаларининг жамоатчилик учун очиклигини таъминлайди.

Жорий йилдан бошлаб, ҳар йили аҳолининг турли қатламлари, талабалар ва ўқувчи-ёшлар ўртасида “Яшил



макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Янги дархат — янги нафас” республика экочемпионати ҳамда ҳар ойда бир маротаба “Маҳаллани чикиндидан холи худудга айлантирамиз” шиори остида акциялар, ташвиқот тадбирлари ўтказилади.

Шу билан бирга, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган илмий лойиҳалар танловига аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришни илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишга оид мавзуларини ҳар йили эълон қилиб боради. Шунингдек, олий таълим муассасалари талабалари томонидан Ўзбекистон экволонтер талабалари ҳаракати ташкил этилади. Экология йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган, Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларда таҳсил олаётган ватандош талабалар ва олимларни бирлаштирувчи “Эколог олимлар ҳам-жамияти” нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис қилинади.

Бундан ташқари, “яшил” истеъмол маданиятининг кундалик қоидаларини билиш, табиий ресурсларни исроф қилмаслик каби халқимизнинг миллий удуи ва қадриятларини тарғиб этиш, бу ҳақда турли анимацион фильмлар яратиш ҳам белгилаб қўйилди.

Албатта, белгиланган устувор вазифалар ижросининг таъминланиши атроф-муҳитни асрашга, юртдошларимизнинг экологик маданиятини оширишга хизмат қилади.

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

ТАБИАТНИ КЕЛГУСИ АВЛОДГА БЕЗАВОЛ ЕТКАЗАЙЛИК



Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни мазмун-моҳиятига кўра инсоният олдида турган кенг қўламли ва чуқур илмий ўлгулган муаммоларга ечим излашга йўналтирилган. Бундан ташқари, БМТ доирасида ҳар йили сузни, ҳавони ва бошқа табиат ресурсларини муҳофаза қилиш кунлари ўтказилади. Айни саналар муносабати билан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қўлаб тадбирлар амалга оширилади. Бу эса инсониятнинг экология муаммоларига бефарқ бўлмасликка, табиат ҳақида қайғуриши лозимлигига муҳим қақирқилиги билан аҳамиятлантириб.

Сана доирасида БМТ жаҳон миқёсида долзарб бўлган экологик муаммолар тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор этиб, уларни ечишга дунё халқларини қорлайди. Йиллар оша мазкур сана 100 дан ортиқ мамлакатларда нишонланиб, ҳозирги кунда экологик муаммолар-

ни ечишга ёрдам берувчи муҳим бир замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилик ҳам ҳар йили шу куни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан, ер ости сувларидан, минераллар захиралари ва ер усти бойлиқларидан самарали фойдаланиш, уларни тиклаш ва муҳофаза қилиш, биологик хилмаҳилликни сақлаб қолиш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Аҳамиятлиси, ушбу кунда барча инсонлар билралиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, она заминимизни беэавол асраб қолишга ўзининг шахсий ҳиссасини қўиши имкониятига эга бўлади.

Мурод НУРМАТОВ,
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилик Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бош мутахассиси.



Мард аскарга совға

Тақдимот

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида “Мард аскарга совға” туркумида чоп этилган китоблар тақдими ўтказилди. Унда Мудофаа вазирилик ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ҳарбий хизматчилар ва курсантлар қатнашди.

Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган мазкур лойиҳа мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Китоблар тез орада барча ҳарбий қисмлар, округлар, ҳарбий таълим муассасаларига етказилиши қайд этилди.

“Мард аскарга совға” туркумидаги китоблар ихчам ва қўрқам дизайнга эга бўлиб, ҳарбий хизматчилар, аскарлар ва умуман, ҳар қандай киши доим ёнида олиб юриши мумкин. Туркумда бу йил 7 та китоб нашр этилган. Уларда ўзбек адабиёти вакилларининг шеър ва ҳикоялари, дostonлари

ўрин олган. Мазкур асарларда ватанпарварлик, мардлик, жасорат, бурғач садоқат, инсон шавни ва қадр-қимматини улуғлаш гоилари устувор экани уларнинг аҳамиятини янада оширади.

Тақдимотда она юртини, истиқлолимизни, бугунги тинч ва фаровон кунларимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар йиғилганларга кўтаринки қайғиёт бағишланди.

Мазкур адабий-маърифий тадбир видеоконференцалоққа тизими орқали Мудофаа вазириликнинг тегишли ҳарбий округлари хизматчиларига ҳам онлайн намоиш қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистонда Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси очилди.

«ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТЛАР КЎПАЙМОҚДА»



Мева, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга чиқариш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

1

— Ўзбекистон гилос етиштириш бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири саналади. Бундай тансиқ мевага хорижда талаб ортиб бораётгани қувонарли. Аммо бу турдаги мева хориждаги савдо нукталарига етиб боргунча сифатини йўқотаётгани ҳақида эътирозлар ҳам учраб турибди. Сухбатимизни шундан бошласак...

— Гапнинг тўғри, бундай ҳолатлар афсуски, учраб турибди. Ваҳоланки, юртимизда етиштирилаётган табиий нозеъматлар халқаро майдонда Ўзбекистоннинг имижига ҳисобланади. Бу ташқи иқтисодий фаолият шишироқчиларига ҳам катта масъулият юклайди. Замон ўзгаряпти, талаблар кундан-кунга ортиб борапти. Шундай бир вазиятда соҳага кириб келаётганларнинг баъзилари фундаментал билимга эга эмаслиги сезилиб қоляпти. Мева дарахтдан узилгандан кейин унга тўғри ишлов берилмагани, советкичлар тизими ташкил этилмагани туфайли сифати бузилиб, турли эътирозлар пайдо бўлмоқда.

Мана масалан, гилосни дарахтдан узгандан сўнг совуқ ҳарорат режимида олиш керак. Советкичга солиб, ҳароратини бир соат ичида 1 даражага тушириб олиш зарур. Агар шуни қила олинган бўлсак, ҳар бир соати бир неча кунга узаяди ва 2-3 ойда бемалол сакласа бўлади. Базми экспортчилар гилоснинг қуёшда қолиб кетишига йўл қўйишга ётир. Эндликда бундай ҳолатларни тақорламаслик чоралари кўрилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 8 апрелдаги «Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш заңжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айнан шу мақсадда қабул қилинди. Бу қарорда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратилган.

Қандай Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигида жамоатчилик кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда айнаи шу масала муҳокама қилинди. Мева ва сабзавот маҳ-

— Хўш, бунинг ечими нимада? Айни мева-чева пишган ва саранжом-саришта қилиш бошланган пайтда қандай йўл тутишимиз керак?

— Шу муаммоларга ечим сифатида давлат раҳбарининг юқоридаги қарори асос бўла олади. Эндликда маҳсулотнинг ҳажмига эмас, сифатига эътибор қаратишимиз лозим. Сифат дегани, бу қўшимча қиймат ҳосил қилишдир. Бир килограмм маҳсулотни илгари шартли равишда 1 долларга сотган бўлсак, энди уни 3 ёки 5 баравар қийматга сотиш ҳақида ўйлашимиз керак. Бу ўз-ўзидан маҳсулотни сифатли етиштириш ва уни истиқболли бозорларда, яъни аҳолисининг тўлов қобилияти юқори бўлган давлатларга тақдим эта олишни тақозо қилади. Масалан, ўтган йили етиштирилган тарвузлар даладарда қолиб кетди. Хўш, бунга сабаб нима бўлди? Биласиз, минтақамиздаги давлатлар, асосан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиради. Бозор иқтисодиётининг фундаментал таъйинида кўра тақлиф қўпайиб кетса, ўз-ўзидан талаб камаяди. Тақлиф берувчилар бозор тақдиқотини амалга оширмаддан ҳудуд, регион, минтақа имкониятини ҳисобга олмасдан бир турдаги экинни кўп экиб юборса, бу хато бўлади.

Ўтган йили тарвуз ва хориждан арзон помидор кириб келиши оқибатида маҳаллий етиштирувчилар маҳсулотни сотилишга қолди. Бир турдаги маҳсулотнинг кўп етиштирилиши ва бу эҳтиёждан ортиб қолиши натижасида нархлар тушиб кетди. Шунинг учун биз ҳажмга эмас, сифатга ишлашимиз керак. Қайта ишлашни ривожлантиришимиз зарур. Юқорида тилга олинган қарорда маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш ҳамда саклашнинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланган.

— Бу йил юртимизда қанча гилос етиштирилиб, қайси мамлакатларга экспорт қилинди? Ва қайси мамлакатлар маҳсулотимизга кўпроқ харидор?

— Бу йил боғларимизда гилос мўл бўлди. Ўтган йилдагига нисбатан бир

неча минг тонна кўпроқ териб олинди. Жами 300 минг тонна гилос етиштириш имкониятига эгамиз. Шундан 50 минг тоннадан зиёдини экспортга чиқариш мўлжалланган. Гилоснинг асосий бозорлари бўлган Россия, Қозғистон, Қирғизистон ҳамда Араб давлатларига экспорт қилишни бошлаганмиз. Жанубий Корея ва Хитойга ҳам юбюрямиз. Яқинда экспортчиларимиз Жанубий Кореяга ҳар килограммини 7 доллардан чиқара бошлади. Араб давлатларига 5 — 8 долларга сотиляпти.

Албатта, бизнинг гилосларимиз Жанубий Кореядек ривожланган давлатга экспорт қилинаётганининг ўзи катта ютуқ. Чунки бу давлат ҳар томонлама сифат кўрсаткичи юқори ва жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотга харидор бўлади. Ушбу давлатга жўнатилаётган гилоснинг ширинлик кўрсаткичи 23 фоиз қиқайпти. Бу йилги мўлжалимиз ушбу мамлакатга 500 тонна гилос сотиш.

Бизда гилос пишқичлик мавсумининг биринчи меваси ҳисобланади. Ўтган йили 40 минг тоннадан зиёдини экспортга йўналтирган бўлсак, бу йилги мақсадимиз ундан 10 минг тонна кўп.

— Бу йил «полиз табиби» дея аталувчи шишобахш тарвузларимиз ўз баҳосига эга бўладими?

— Аллақачон тарвузлар бозорларимизни эгаллаб, халқимиз дастурхонига етиб борди. Ички бозор таъминлангандан сўнг, уни экспорт қилишга киришдик. Ҳозирги кунда Россия, Қозғистон, Қирғизистонга ва Европа давлатларига чиқаряпмиз. Тарвузларимиз 76 та мамлакат бозорларига кириб бормоқда. Ўтган йили килоси 8 центдан ҳам сотилмаган, даладарда қолиб кетган эди. Ҳозирги кунда 30 — 40 центдан сотилмоқда. Бозорларимизни диверсификация қилишга ўтдик. Араб мамлакатлари тарвузимизга харидор. Ҳозирги кунда Европа давлатларига улушни қўпайтирдик. Хусусан, Латвия, Литва, Эстония ва Польша бозорларида ҳам ўзбек деҳқонларининг тарвузлари харидорлар «қўзини йўнатмоқда».

— Ўзимизда тарвузни қайта ишлаш имкониятларидан нега унумли фойдаланилмаяпти?

— Ҳудудларда қайта ишлаш корхоналари мавжуд. Тўғриси, илгари бу корхоналар тўлиқ қувватда ишламаган. Бунда йўл қўйган асосий камчилигимиз шундаки, етиштирувчи ва қайта ишловчи ўртасида ҳамкорлик мавжуд эмас эди. Ҳозир шу механизм йўлга қўйилди. Яъни тарвуз янги узилган пайтда экспортга йўналтирилади, қолганлари қайта ишланиб, ундан мураббо, шарбат ёки бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрланади. Тарвузга сублимация усули-

да ишлов берилади — суви тортиб олиниб, қуруқ ҳолга келтирилади, агар яна сувга солсангиз, яп-янги узилгандай бўлади. Қовунни ҳам шундай усулда қайта ишлаш мумкин. Сублимациянинг ютуқли томони шундаки, ундаги ҳамма фойдали элементлар саклаб қолинади. Шу боис бу йил тарвузни қайта ишловчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга субсидия бериш тизими жорий этиляпти. Албатта, бу ўзининг ижобий самараларини беради, деган умиддамиз.

— Ўтган йили 11,2 минг тонна кўрилган йўл хорижга экспорт қилинди. Бу 17,4 млн. долларни ташкил этди. Айтинг-чи, айнаи пишқичлик пайтида мамлакатимизда неча тонна ўрик ерга тушиб нобуд бўлмоқда? Агар шу исрофгарчиликнинг олди олинганда яна қанча миллион долларлик туршак экспорт қилган бўлардиқ?

— Тўғри, ўтган йили ўрикларнинг бир қисми нест-нобуд бўлди. Экспорт қилишга улгура олмади қолдик. Шунинг учун ҳозир ҳар битта ҳудудда кооперативлар ташкил этилмоқда. Водийда ўрикчиликка ихтисослаштирилган маҳаллалар бор. Уларни кооперативларга бирлаштириб, хорижий молия институтлари ёки банкларнинг имтиёзли кредитлари асосида қуриш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва саклаш чораларини қўпямиз. Ҳосил исроф бўлишининг олдини олиб, қурилган ҳолда ўртача 2 доллардан сотсак ҳам ўтган йилдагига нисбатан экспортимизни қаррасига ошириш имконияти бор. Бу йил ўрик ва бошқа ёз нозеъмаларини йиғиш, етказиб бериш, қуриш ва қайта ишлаш кооперативга бирлашган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса исрофгарчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

— Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳўзуридаги ўсимликлар қарантини ва химияси агентлиги мутахассисларининг Япония Қишлоқ, ўрмон ҳўжалиги ва балкичилик вазирлиги билан олиб борган музокаралари натижасида 11 турдаги маҳсулот учун фитосанитар рухсатлар олинди. Шу ҳақда ба-тафсил тўхталсангиз.

— Японияда 59 та бозор очганмиз. Ҳолбуки, бозор очиш осон иш эмас. Ҳар бир давлат четдан кириб келади-ган маҳсулотлар учун ўзларининг талабларини қўяди. «Бозор очиш» дегани маҳсулот турларига кўра фитосанитария рухсатларини олишдир. Бу жуда мураккаб жараён. Масалан, Америка Хитойда битта маҳсулотга бозор очиш учун 7 йил вақт сарфлаган. Биз 2018 йилдан 2025 йилгача Хитойда 26 тур



маҳсулот учун бозор очдик. Японияда эса 59 та, шундан 11 таси яқинда очилди. Анжир, анор, бодом, бодринг, жийда, қарам, кашанич ва бошқа мева-сабзавот кўкатларимиз японияликлар дастурхонини беэаммоқда.

Дунё бозорлари учун сифат энг муҳим жиҳат. Сифат бор жойда ҳўрмат бор, ҳамжиҳатлик бор. Бунга эришиш учун экспортчиларимизнинг дунёқарашини ўзгартириш керак. Чунки Ўзбекистон жуда катта ўзгаришлар олдида турибди. Зиммамизда ЖСТга аъзо бўлишдек катта вазифа қўйилган. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, бозорни диверсификация қилишимиз керак.

— ЖСТ талабларига мослашиш доирасида экспортчи компанияларни қўллаб-қувватлаш учун жорий этилган 6 та имтиёз бекор қилинди. Бунинг экспортчиларимизга таъсири ҳақида ҳам...

— ЖСТ халқаро савдонинг тартибига солиб турувчи регулятор ташкилот. Унинг ўзига хос талаблари бор. Мисол учун, Ўзбекистон унга қўшилмоқчи бўлса, савдо соҳасига оид қонунларини ташкилотга аъзо давлатнига мослаштириши лозим. Дунёдаги барча давлатларда маҳсулотлар эркин ҳаракат қилади. Ўзбекистон ҳам шу талабларга жавоб бериши зарур. Бу ерда тўғридан-тўғри экспортчи корхонага имтиёз берилиши керак эмас. Бошқа давлатдаги корхоналар ва Ўзбекистондаги экспортчи корхоналар бир хил рақобат муҳитига эга бўлиши талаб этилади.

Илгари экспортчи корхоналаримиз маҳсулотларни хорижга чиқарганда транспорт харажатларининг маълум бир қисми қолаб бериларди. Бу шу йил 1 январдан бошлаб бекор бўлди. Солиқ имтиёзлари ҳам бор эди, яъни экспортчи корхоналар маҳсулотни хориж бозорига йўналтирганда 15 фоизли фойда солими 0 фоизга туширилган эди. 2024 йилда бу солиқ имтиёзи ҳам бекор бўлди. Экспортчи бир вақтингизда импортчи бўлиши ҳам мумкин. Сабаби, Ўзбекистонда ҳамма маҳсулот учун хомашё топиш қийин масала. Шу-

нинг учун бошқа бир давлатдан хомашё олиб келишда муқобиллашган савдо келишувларига эришилади. Натижада маҳсулотни истеъмолчиға арзон нарҳда етказиб бериш имконияти яратилади.

Имтиёзларнинг бекор бўлиши экспортчилар фаолиятига таъсир қилмайди. Энди имтиёз эмас, имкониятлар кўпаймоқда. Имтиёзга сўяниб эмас, имкониятдан фойдаланиб ишлаш керак. Эътибор беринг, энг арзон транспорт тури бу денгиз орқали. Биз сув транспортига етиб боришимиз учун камида битта ёки иккита давлат чегарасини кесиб ўтишимиз керак. Бу эса харажатни ошириб юборади. Агарда биз маҳсулотларимизни сифатли тайёрласак, сифатли етиштирадиган бўлсак, уни ташқи қўринишига, қадоғига, дизайнига, брендиға эътибор берадиган бўлсак, албатта, бундай харажатларни қолаб, юқори самарадорликка эришамиз.

— Ҳозирги кунда, юртимиздан хорижга неча турдаги сабзавот, полиз, дуқакки экинлар, мева ва узум экспорт қилияпти?

— Мамлакатимизда 2024 йилда 2 млн. тонна мева ва сабзавот экспортга амалга оширилди. Бу 1,5 млрд. доллардан кўпроқни ташкил этди. 2023 йилдагига нисбатан 124,5 фоиз, яъни 454 млн. доллар кўпроқ фойда олинди. Бу маҳсулотлар 76 та давлатга етказиб берилганининг ўзи катта кўрсаткич. Жами 347 турдаги маҳсулотдан 69 тури мева ва сабзавотларни ташкил этади. Асосан, Россия, Покистон, Қозғистон, Афғонистон, Хитой, Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон ва Беларусь давлатларига сотилган. Бундан ташқари, 2024 йилда 15 та янги бозор очилиб, 883 минг долларлик маҳсулот Словакия, Сурия, Умон, Албания, Фаластин, Кипр, Иордания, Коста-Рика, Кения, Вьетнам, Ливан, Молдова ва Бангладеш давлатларига экспорт қилинган. Бу йилги мақсад — мазкур кўрсаткични 2,5 млрд. долларга етказиш.

Сухбатимиз якунида шуни айтмоқчиманки, шириндан-шакар мева-чева, полиз ҳамда сабзавот маҳсулотларимизга хорижда харидор кўп экан, демак, боғларимизни янгилашимиз, серҳосил навли дарахтларни қўпайтиришимиз лозим. Энг муҳими, бугун табиат инъоми бўлган нозеъматларни «яқинга эмас — узоққа, ҳажмга эмас — сифатга, арзонга эмас — қийматга» таъйиниға амал қилган ҳолда экспортга қарасак, албатта, кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»)
суҳбатлашди.



ЖАҲОН БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

1

Куни кеча арзимас туюлган лойиҳалар ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириб, одамлар бандлигини таъминламоқда. Қизилтепа туманида «Svs Navoiy» МЧЖ корхонаси томонидан «Малиқобод» МФЙ ҳудудидаги 10 гектар ер майдонида 5 та ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Ўтган даврда 93,9 млрд. сўмлик 83,0 млн. жуфт қўришни қўлқопларни ишлаб чиқарилиб, 7,4 млн. долларлик экспорт амалга оширилди. Ҳозирги кунда лойиҳа доирасида 5-цехнинг қурилиш ишлари якунланган бўлиб, 6-цехнинг қурилиши давом этмоқда. Қарман туманидаги «Zarafshan Golden Group» компаниясига қарашли иссиқхоналар мажмуасида ҳам тўрт гектар майдонга эга иккита иссиқхона ўз фаолиятини бошлади.

— Иссиқхоналардан бири Жанубий Корея, иккинчиси Нидерландия жамоатчилиги асосланган, — дейди компания таъсисчиси Улугбек Файзиев. — Энерготехжамкор, тўлиқ қаттиқ ёқилғи ёрдамида иси-тилади. Шу тарика иссиқхоналаримиз умумий майдони 15 гектарга етказилиб, ҳосилнинг 80 фоизини экспортга йўналтириш режалаштирилган. Бу — йил давомида 5 млн. АҚШ долларига тенг, демакдир. Илгари 250 нафар киши ишлаган бўлса, янги лойиҳа туфайли яна 80 киши улар сафига қўшилди. Янги ишчиларнинг 45 нафари ижтимоий ёрдамга муҳтож.

Вилоятда ҳудуд учун хос бўлган ноанъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг ўзлаштирилиши экспорт географияси кенгайишига замин яратмоқда. Хусусан, ўтган йили Арманистон, Мексика, Словакия, Чили, Швейцария ва Эквадор бозорлари ўзлаштирилиб, қўшимча 4,4 млн. долларлик маҳсулот экспортга амалга оширилди. Ва экспорт географиясидаги давлатлар сони 35 тага етказилди.

— Вилотимизда ўтган йилдагига

● **Хизматлар соҳасида сўнги беш йилда 11 930 та янги тармоқлар кенгайиб, улар томонидан 100 дан ортқ хизмат турлари кўрсатилиши йўлга қўйилди.**

● **Қизилтепа туманида «Svs Navoiy» МЧЖ корхонаси томонидан «Малиқобод» МФЙ ҳудудидаги 10 гектар ер майдонида 5 та ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.**

● **2025 йилнинг биринчи чораги якунига кўра вилоят бўйича 6 та ИТ парк резидентлари рўйхатдан ўтказилиб, умумий сони 52 тага етказилди ва шундан 2 таси экспортчи корхона ҳисобланади.**

нисбатан экспорт ҳажмини 127 фоизга ошириш режалаштирилган, — дейди Навоий вилотия Инвестициялар, саноат ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Элбек Гаффоров. — Жорий йилда вилотиядаги 82 та корхона томонидан 269,9 млн. долларлик экспорт бажарилиб, белгиланган режа 104 фоизга ууддаланди. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 107 фоиз ўсишни ташкил этади.

Экспорт ҳажмининг ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз оширишни таъминлаш бўйича ишга туширилган 575 та, шундан саноат йўналишидаги 178 та инвестиция лойиҳаси ҳисобиға 30,0 млн. доллар ҳамда мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўтариш ҳисобиға 1 351,0 млн. долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Бунда тайёр маҳсулотлар улушини 30 фоиздан 45 фоизга етказиш, экспорт географиясини

ланган вазифаларни белгилаб берганди.

Шу асосда 2025 йилнинг биринчи чораги якуни таҳлил этилар экан, вилотия ҳокими ҳудудда ИТ хизматларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга баҳо берди. Хусусан, вилотия бўйича 6 та ИТ парк резидентлари рўйхатдан ўтказилиб, умумий сони 52 тага етказилган бўлса, шундан 2 таси экспортчи корхона ҳисобланади. Мазкур резидентларнинг 5 таси Навоий шаҳрига, 1 таси Қизилтепа туманига тўғри келади. Жорий йилда кўрсатилган ИТ ички хизматлар ҳажми 18,3 млрд. сўм, айнаи шу хизматлар экспорти 1,0 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 135 фоиз ўсиш, демакдир. Бироқ шу кунга қадар Учқудук, Хатирчи, Қонимех, Томди, Қизилтепа туманлари ва Фозгон шаҳрида ИТ экспорти умуман амалга оширилмагани ачинарлидир.

Мавзуга бежиз ИТ йўналишида ҳулоса ясаётганимиз йўқ. Мақола аввалида «япон мўъжизаси» ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, ҳар бир соҳани ташқи бозорни мўлжалга олишни таъкидладик. Зеро, глобал бозорлар тараққиёт барқарорлигининг мустаҳкам қафолати ҳисобланиб, миллий иқтисодиёт имунитетининг гаровидир.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ёш кимёгарлар муваффақияти

Тошкент шаҳрида 28 май — 3 июнь кунлари Абу Райҳон Беруний номидаги Фахр халқаро кимё олимпиадаси ўтказилди.

Олимпиада 2024 йил 30 сентябрдаги «Иқтидор» ёшлар билан ишлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қароридан белгиланган тегишли вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Мактабчага ва мактаб таълими вазирлиги, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги, Фан олимпиадалари маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда дунёнинг 13 та мамлакатидан Саудия Арабистони, Туркия, Озарбайжон, Монголия, Беларусь, Вьетнам, Россия, Грузия, Ҳиндистон, Қозғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Туркменистондан келган, шунингдек, Ўзбекистон вакилларидан иборат, жами 115 нафар (28 та жамоа) ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Халқаро олимпиаданинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳакамлар хайъати таркибига Туркия, Саудия Арабистони, Россия, Беларусь ва Англия каби хорижий мамлакатлардан халқаро



олимпиадалар соҳасида кўп йиллик тажриба ва юқори салоҳиятга эга эксперт мутахассислар, шунингдек, Ўзбекистонлик академиклар жалб этилди.

Эътиборлиси, ушбу мусобақада жами 69 нафар ўқувчи турли даражаларда медаллар билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистонлик ёшлар 19 та — 6 та олтин, 8 та қумуш, 5 та бронза медал билан халқаро олимпиаданинг яқна пешқадамиға айланган қувонарли ҳолат, албатта.

Таъкидлаш жоизки, мазкур олимпиада июль ойда ўтказиладиган Халқаро кимё олимпиадасига навбатдаги тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

O‘ZBEKISTON DAVLAT KONSERVATORIYASI

quyidagi kafedraga tanlov e’lon qiladi:

“Musiqiy pedagogika” kafedrasida: dotsent — 1 o’rin.

Tanlovda ishtirok etish uchun da’vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:

- rektor nomiga ariza;
- xodimlar shaxsiy varaqasi;
- oliy ma’lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarning nusxalari;
- o’quv-uslubiy, ilmiy-tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro’yxati;
- mutaxassislik bo’yicha oxirgi uch o’quv yilida malaka oshirganligi to’g’risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxasi.

Arizalar e’lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida O‘zbekiston davlat konservatoriyasining xodimlar bo’limi tomonidan qabul qilinadi.

Manzil: 100027, Toshkent shahar, Shayxontohur tumani, B. Zokirov ko’chasi, 1-uy.

Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан Тошкентдаги «Мовий гўмбазлар» хиёбонида «Eko Ritm» халқаро фестивали бўлиб ўтади.



ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАР, ИЛМий ИЗЛАНИШЛАР, ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

**Халқаро Нордик университет
фаолиятида таяниладиган асосий қадриятлар**

Ўзбекистон қадим-қадимдан илм-маърифат маркази, цивилизациялар чорраҳаси бўлиб келган. Ушбу табаррук заминда камолга етган буюк алломалар, олиму мутафаккирлар ўзларининг илми, илғор ғоя ва ихтиролари билан дунё тамаддунига катта ҳисса қўишган.

Бугун янги Ўзбекистонда илм-фанда азалий қадриятларни қайта тиклаш, қонимизда бўлган яратувчанлик, бунёдкорлик қудратини уйғотиш, олий таълим муассасаларида илмий изланишлар ва инновацион тадқиқотлар учун барча шарт-шароитни яратиш, соҳа фидойилари, ёш олимларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мулоҳаза

Таълимда сифат босқичи

Халқаро Нордик университети айна йўналишдаги ишларга камар-баста бўлишни олдига вазифа сифатида белгилаб олган ва бу йўлда аниқ мақсадга қаратилган ишларни йўлга қўйган, муайян натижаларга эришадиган олий ўқув муассасаларидан бири.

Бундан етти йил муқаддам давлатимиз раҳбари Олий Махлисига йўллаган Муражаатномасида “Биз ҳар бир йилга эзгу ният билан ном берамиз ва ўз олдимизга улкан марраларни қўямиз”, дея таъкидлаганди. Ҳақиқатан ҳам, бир йил давомида амалга оширилган керак бўлган ишлар, ташаббус ва ғоялар айнан йилга муайян ном бериш ва унинг асосида ишлаб чиқилган дастурда ўз аксини топади. Шу маънода, жорий йил Халқаро Нордик университетида “Таълимда сифат босқичи ва илмий тадқиқотларни қучайтириш йили” дея белгиланган бўлиб, йил бошида бошланган самараси улкан ва пухта ўйланган режалар бугун авж палласида.

Хусусан, олийгоҳнинг замонавий компьютер инжиниринги соҳасидаги ишланмалари юқори унумдорликка эга ҳисоблаш тизимлари, сунъий интеллектга асосланган алгоритмлар ва энергия тежамкор қурилмалар ишлаб чиқишга қаратилган. Айниқса, махсус микропроцессорлар ва тармоқланган ҳисоблаш инфратузилмалари яратилиши компьютер тизимларининг самардорлигини ошириш ва уларни реал вақтда мураккаб маълумотларни қайта ишлаш имконияти билан таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Шунингдек, университет олимлари томонидан тайёрланган янги турдаги кўп ядролик микропроцессорлар энергияни сезиларли даражада тежаш ва юқори ҳисоблаш қувватини тақдим этишга қодир бўлиб, мобил қурилмалар, автоном транспорт воситалари ва “ақли” роботлар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Робототехника соҳасида университет илмий лабораториялари замонавий ва мослашувчан робот тизимларини яратиш устида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Тадқиқотчилар қўллаб аниқ ихтиролар, жумладан, ўз-ўзини мослаштирувчи робот манипуляторлар, кўп вазиқали автоном робот платформалари ва сунъий нейрон тармоқларга асосланган ҳаракат бошқарув тизимларини ишлаб чиққан. Айниқса, университетда яратилган ўз-ўзини ўрганадиган робот тизимлари техник хизмат кўрсатиш, тиббиётда реабилитация жараёнлари ва саноат автоматизацияси каби соҳаларда кенг қўлланилаётди. Ушбу роботлар ўз ҳаракатларини муҳитга қараб мослаштира олади, ноаниқ шароитларда мустақил қарорлар қабул қилиши ва инсон аралашувисиз комплекс топшириқларни бажариши мумкин.

Биомиметик таомийларга асосланган қурилма

Таълим даргоҳининг кичик машиналар йўналишидаги ишланмалари микроботлар ва нанотўқнадаги автоматлаштирилган тизимларни ишлаб чиқишга қаратилган. Тадқиқотчилар биомиметик таомийларга асосланган микроҳаракатланувчи қурилмалар яратишга эришди. Ушбу кичик машиналар табиий организмларнинг ҳаракат механизмларига асосланган бўлиб, улар минимал энергия билан юқори маневрлик ва аниқлиқни таъминлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бугун биз барпо этаётган учинчи Ренессанс пойдевори, ҳеч шубҳасиз, инсон капитали, илм-фан, инновация ва янги кашфиётлар асосида бунёд қилинишини соҳа бўйича ўтказилган йиғилишларда, турли анжуман ва учрашувларда бот-бот таъкидламоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида ҳам илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмалар яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Хусусан, илм-фанга йўналтирилаётган маблағларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2030 йилгача 10 марта ошириш режалаштирилган.

Микроботлар тиббиёт соҳасида, хусусан, ички органлар диагностикаси ва жарроҳликда фойдаланилмоқда. Шунингдек, улар саноат ишлаб чиқариш линияларида нозик монтаж ва инспекция вазиқаларини бажариш учун ҳам мослаштирилган. Олийгоҳ илмий жамоаси биомикромашиналарни бошқариш учун ультратовуш, магнит майдон ва оптик бошқарув технологияларини бирлаштириб, илғор тизимлар яратишга эришди.

Қайда этиш жоизки, университетда замонавий технологияларни ривожлантириш ва тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадида “3D”



“3D” принтерлар мавжуд бўлиб, улар пластмасса, композит материаллар, металл ва биокompatibil полимерлар каби кенг турдаги материаллар билан ишлаш имконини беради. Айниқса, роботик тизимлар учун зарур мослашувчан ва мустаҳкам компонентларни яратишда кўп материалли босма технологиялар муҳим аҳамият касб этмоқда. “3D” принтерлар ёрдамида ишлаб чиқилган қисмлар юқори аниқликка, мураккаб ички тузилишга ва индивидуал лойиҳалаштирилган функционал хусусиятларга эга бўлиб, улар роботларнинг аниқлиги, чидамлилиги ва самардорлигини сезиларли даражада оширади.

Робототехника лабораторияси ўз фаолиятида фақатгина “3D” ўлчамдаги босмани эмас, балки сунъий

“Таълим муассасасида “3D” принтерларга асосланган робототехника лабораториясининг ташкил этилиши илмий изланишлар ва технологик янгиланганлар учун мустаҳкам пойдевор яратди.

принтер технологияларига асосланган робототехника лабораторияси ташкил этилгани ҳам жуда фойдали бўлди. Ушбу лаборатория рақамли ишлаб чиқариш, автоматлаштирилган тизимлар ва микро-механика соҳаларида инновацион тадқиқотларни амалга ошириш учун замонавий техник инфратузилма ва юқори даражадаги илмий салоҳиятга эга.

Лабораториянинг ташкил этилиши замонавий робототехника қурилмаларини тезкор прототиплаш, ноанъанавий геометрияга эга робот деталларини яратиш ва микро-ўлчамдаги механик тизимларни ишлаб чиқиш имкониятларини кенгайтди. “3D” босма технологиялари ёрдамида талабалар ва тадқиқотчилар мураккаб тузилмалар қисмларини анъанавий ишлаб чиқариш усуллариغا нисбатан тезроқ ва арзонроқ тайёрлаш имконига эга бўлди. Бу эса илмий ғояларни тезда амалий қурилмаларга айлантириш учун қулай шароит яратмоқда. Лабораторияда турли хилдаги

интеллект, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, сенсор технологиялари ва реал вақт режимидаги мониторинг тизимларини ҳам бирлаштириди. Тадқиқот гуруҳлари роботларнинг прототипларини яратишдан ташқари уларнинг ҳаракат алгоритмларини ишлаб чиқиш, муҳит билан ўзаро алоқасини симуляциялаш ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш устида ишламоқда. Бу ёндашув нафақат назарий билим-

Бугун Ўзбекистонда ана шундай тизим бор ва унинг қонуний-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Эндиликда олий ўқув юртилари, “ақл марказлари”, иқтисодиётнинг реал сектори ва етакчи компанияларнинг инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш — давр талаби. Бу эзгу йўлда Халқаро Нордик университети ҳамкорликка доим тайёр ва илмий ютуқларининг жамият тараққиётига хизмат қилишидан манфаатдор. Зеро, замонавий билимлар, илмий изланишлар, инновацион тадқиқотлар билан эл-юртимиз равнақиға ҳисса қўиши университетимиз таянадиган асосий қадриятдир.

Шерзод РАҲАБОВ,
Халқаро Нордик университетининг
Саноатни бошқариш ва рақамли технологиялар
кафедраси доценти.

ларни чуқурлаштиришга, балки улар асосида амалий натижалар олишга имкон беради.

Ғоялардан — амалий ишланмаларга

Лабораторияда ташкил этилган ўқув дастурлари ва лойиҳалар талабалар ва ёш олимларни амалий муаммоларни ҳал қилиш қўнимчаларига эга бўлишга ундайди. Талабалар мустақил равишда ёки илмий раҳбарлар билан ҳамкорликда робот прототипларини ишлаб чиқиш, уларни “3D” принтерлар ёрдамида босиб чиқариш, дастурлаш ва амалий тажриба қилиш имкониятига эга. Бундай муҳитда улар ўз ғояларини тезда реал қурилмаларга айлантириб, технологик тадбиркорлик ва инновацион фикрлаш қўнимчаларини ривожлантиради.

Хусусан, таълим муассасасида “3D” принтерларга асосланган робототехника лабораториясининг ташкил этилиши илмий изланишлар ва технологик янгиланганлар учун мустаҳкам пойдевор яратди. Лаборатория ўзининг илғор инфратузилмаси, замонавий технологик ечимлари ва илмий-иқтисодий муҳити билан нафақат университет миқёсида, балки глобал даражада ҳам робототехника ва рақамли ишлаб чиқариш соҳаларида салмоқли натижалар беришга қодир марказлардан бирига айланган.

Илм-фан ҳар қандай мамлакат тараққиёти ва фаровонлигининг асосидир. Айниқса, барча соҳада янгиланганга интилиш ҳамда рақобатлашув жараёнлари қучайган бугунги давр иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаб бориш учун илғор илмий ишланмалар ва илмий-техникавий ютуқлардан самарали фойдаланишни талаб этмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар томонлама ривожланган инновацион тизимга эга мамлакатлардагина инновация жараёнлари самарали амалга оширилиб, технологиялар ва бошқа илмий маҳсулотлар тижоратлаштирилмоқда.

«Жаҳон чемпионати — 2026»

Узоқ кутилган тарихий онлар яқин

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2026 йилда АҚШ, Канада ва Мексика яшил майдонларида ўтказиладиган 23-жаҳон чемпионати учинчи босқич саралаш баҳслари доирасида Бирлашган Араб Амириклари ҳамда Қатар терма жамоаларига қарши майдонга тушади.



Темур Кападзе бош мураббийлигида футболчиларимиз бугун — 5 июнь кунини гуруҳдаги энг муҳим ўйинда БААга қарши сафарда тўп суришди. Мазкур беллашувдаги дуранг натижа ҳам Ўзбекистон терма жамоасига илк маротаба жаҳон чемпионати йўлнамасини нақд қилади. Араб дёйрининг иссиқ об-ҳавосига қўниқиб ва масъулиятли ўйин олдидан терма жамоамиз бир ҳафта муқаддам ушбу мамлакатга бориб, ўқув-тайёргарлик машғулотларини бошлаб юборди. Йиғинга қуйидаги футболчилар жалб этилган.

Дарвозабонлар — Ўткир Юсупов (“Фуллад”, Эрон), Абдухалил Нейматов (“Насаф”), Ботирли Эргашев (“Нефтчи”).

Ҳимоячилар — Умар Эшмуродов, Шерзод Насруллаев (“Насаф”), Абдулла Абдуллаев, Ҳожиакбар Алижонов (“Пахтакор”), Рустам Ашурматов (“Рубин”, Россия), Абдуқодир Хусанов (“Манчестер Сити”, Англия), Фаррух Сайфиев (“Нефтчи”), Исроил Тўхтаўжаев (“ОКМК”), Хусниддин Аликулов (“Ризеспор”, Туркия).

Яримҳимоячилар — Одил Ҳамробеков (“Бунёдкор”), Аббос Файзуллаев (ЦСКА, Россия), Жамид Искандеров (“Нефтчи”), Жалолддин Машарипов (“Истиклол”, Эрон), Остон Ўрнов (“Персеполлис”, Эрон), Отабек Шуккуров (“Ал Фейха”, Саудия Арабистони), Абдурауф Бўриев (“Пахтакор”), Акмал Мозговой (“Насаф”), Руслан Жиянов (“Навбахор”), Ҳожимат Эркинов (“Ал Ваҳда”, БАА), Азиз Турғунбоев (“Сиваспор”, Туркия).

Ҳужумчилар — Элдор Шомуродов (“Рома”, Италия), Игорь Сепреев (“Пахтакор”).

“wildstat.ru” сайти маълумотларига кўра, икки жамоа шу кунга қадар турли мусобақалар доирасида ўзаро 16 бора тўқнаш келган. 7 та учрашувда рақибларимизнинг қўли баланд кўтарилган бўлса, 5 та беллашувда вакилларимиз муваффақиятга эришган. 4 та тўқнашув эса дуранг натижа билан яқунланган. Терма жамоамиз ушбу баҳслар давомида умумий 18 та гол уриб, 19 марта ўз дарвозасидан тўп олиб чиққан. Агар фақатгина жаҳон чемпионати саралашдаги ўйинларига эътибор қаратадиган бўлсак, устунлик рақиблар томонида бўлиб келган. Терма жамоамиз 1 ўйинда ғалаба қозониб, 3 та учрашувда мағлуб бўлган ҳолда 1 бора дуранг ўйнаган.

Саралаш босқичининг 9-туридан ўрин олган БАА — Ўзбекистон учрашуви Абу-Даби шаҳридаги “Ал-Наҳаён” стадионида Тошкент вақти билан соат 21:00 да бошланади. Ушбу турнирнинг марказий ўйинини австралиялик ФИФА рефериси Шон Эванс бошқариб боради, унга қанотларда ҳамюртлари Жорж Лакриндис ва Оуэн Голдрик ёрдам беради. 4-расмий ҳакам сифатида Жонатан Баррейро, VARда эса Александр Кинг ишлайди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(“Халқ сўзи”).

РЕКЛАМА

«O‘zsanoatqurilishbank» ATB aksiyadorlarining 2024-yil yakuni bo‘yicha yillik umumiy yig‘ilishini o‘tkazish (masofadan) to‘g‘risida

XABARNOMA

HURMATLI BANK AKSIYADORLARI!

«O‘zsanoatqurilishbank» ATB (Toshkent shahri, Shahrisabz ko‘chasi, 3-uy manzili bo‘yicha joylashgan, korporativ veb-sayti: www.sqb.uz, e-mail: info@sqb.uz) Kuzatuv kengashi sizga 2025-yil 30-iyun kuni Toshkent vaqti bilan soat 11-00 da masofadan turib elektron ovoz berish xizmati <http://evote.uz/> orqali bank aksiyadorlarining navbatdagi yillik umumiy yig‘ilishi belgilanganini ma‘lum qiladi.

YIG‘ILISH KUN TARTIBI:

- Bank Kengashi va Boshqaruvining 2024-yil yakunlari bo‘yicha faoliyati hamda bankni rivojlantirish strategiyasining bajarilishi bo‘yicha ko‘riyotgan chora-tadbirlar to‘g‘risidagi hisobotlarini eshitish.
- Bankning 2024-yil yakunlari bo‘yicha yillik hisobotini tasdiqlash.
- Bank foydasini taqsimlash va Kengashning har

bir mustaqil a‘zolariga korporativ yil uchun to‘lanadigan mukofot kompensatsiyaning eng yuqori miqdorini belgilash.

- 2025-2026 korporativ yili uchun Bank Boshqaruvi a‘zolariga to‘lanadigan mukofotining maksimal miqdorini belgilash.
- Bank Boshqaruvi raisi va Boshqaruv a‘zolarining vakolatlarini 1 (bir) yilga tasdiqlash to‘g‘risida.
- 2025 moliya yili bo‘yicha Bankda auditorlik tekshiruvini o‘tkazish uchun tashqi auditor tashkilotini va ushbu tashkilotni xizmatlariga to‘lanadigan eng ko‘p haq miqdorini belgilash.
- “O‘zsanoatqurilishbank” ATB tashkiliy tuzilmasini tasdiqlash to‘g‘risida.
- “O‘zsanoatqurilishbank” ATBning “2024 — 2026-yillarda rivojlanish strategiyasi” maqsadli ko‘rsatkichlariga kiritilayotgan o‘zgarishlarni tasdiqlash to‘g‘risida.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган кўлашмалар тақрир қилинмайди ва мустақил равишда қайтарилмайди.

Газетанинг тақрир берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Х. Норбоев.
Мусахҳас — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6